

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги

2-бет

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 22 октябрь, пайшанба • № 126 (24.363).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. Я. Қуроловни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

1. Оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда ўтакетган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйгани, эл-юрт одатларини менсимагани, раҳбарлик шаъни ва обрўсига иснод келтиргани, шахсий манфаатлари йўлида эгаллаб турган давлат лавозимини суиистеъмол қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Муродулла Ялғошевич Қуролов ўз вазифасидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ушбу ҳолатни амалдаги қонунчилик асосида ўрганиб, тегишли хулоса чиқарсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 21 октябрь

«Бибихоним мукофоти» таъсис этилди

Дўстлик туманида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга муносиб ҳисса қўшаётган, оила ва жамоат ишларида намуна бўлаётган фаол хотин-қизлар учун «Бибихоним мукофоти» таъсис этилди. Энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридаги бу мукофот ҳар чоракда тўрт нафар фаол аёлга бериб борилмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Сидней олимлари билан ҳамкорликда

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институти билан Сидней университети олимларининг уч йил муқаддам бошлаган халқаро археологик қазишма ишлари ўз самарасини бермоқда. Беруний туманидаги Тошхирмон ва Оқшахон масжидларидаги қазишмаларда Марказий Осиёда кам учрайдиган Олов саройи ва майдони 50 гектар келадиган қадимий шаҳар борлиги аниқланди. Сидней профессорлари Свенд Хелмс, Алесон Беттс ва қорақалпоқ олими В. Ягодинларнинг фикрига қараганда бу топилма эрамиздан аввалги IV асрга тааллуқли экан.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ўзбек математикаси жаҳонга бўйлайди

1995 йил май ойида Франциянинг «Haute Alsace» университети француз ва ўзбек математик олимларининг илк расмий учрашув жойига айланганди. Ўзбекистондаги Франция элчихонаси ҳомийлигида бир неча олимларимиз Францияда бўлиб, ўз илмий ишлари билан ҳамкасбларини таништиришган, ўзаро фикр алмашиб қайтишганди. Маълумки, узоқ йиллар ўзбек математикаси дунё илми учун деярли номаълум бўлиб келган. Чет элликлар эътиборини аввало ана шу нарса тортган бўлса, уларни қизиқтирган муҳим омил ўзбек математиклари олиб бораётган изланишларнинг долзарб ва қизиқарли эканлигида эди.

Шундан сўнг қизиққон французларнинг ташаббускорлиги ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида «Universite de Havte Alsace» университети математика илмий-текшириш маркази билан ЎзФА Математика илмий-текшириш институти ўртасидаги алоқалар янада яқинлаштирилди. Ҳатто ўзбек ва француз олимлари симпозиуми ўтказилди. Бу эса дунёдаги икки етакчи математик мактаб эгаларининг ўзаро кенгроқ танишишига, фикр бериб фикр олишига, келажакдаги ҳамкорлик режаларини тузиб олишларига кенг имкон яратди.

Дунё миқёсидаги алоқалар кўплаб фирма ва ташкилотлар эътиборини ўзига жалб қилиши табиий. Голландиянинг машҳур «Kluwer Academic Publishers» нашриёти француз ва ўзбек математик олимларининг иккала учрашувларида ўқилган маърузалар ва кўриб ўтилган илмий ишларни нашр этиш таклифи билан чиқди. Мана, яқиндагина эса унинг натижаси ўлароқ ўзбекистонлик Ю. Ҳакимжонов, Ш. Аюпов ва франциялик М. Гоз каби етук мутахассислар муҳаррирлигида «Алгебра ва операторлар назарияси» деб номланган мўъжазгина китоб дунёнинг уч марказий давлати (Голландия, АҚШ, Англия) да чоп этилди. Китобдан ўрин олган 34 олимнинг илмий мақолалари математиканинг турли масалаларига бағишланган. Асосий урғу эса Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги математик алоқаларга қаратилган. Бир неча ишларнинг ўзбек ва баъзи Европа олимлари томонидан биргаликда олиб борилганлиги ўртадаги уйғунлик нуқтаси аллақачон топилганлигидан, ундан унумли фойдаланилаётганидан далолат беради.

Китобда Ли ва Лейбниц алгебралари, аниқ Ка назарияси, Банах шари хоссалари, Ли алгебрасида Эйлер тенглиги каби масалаларнинг янги қирралари ҳақида етарлича маълумотлар бор. Хорижда бизга қизиқиш борлигининг ўзи катта гап. Ахир улар арзимас нарсаларга эътибор қаратаверишмайди...

Аваз БЕРДИҚУЛОВ

Хорижда чоп этилди

Фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, фан арбоби, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти профессори Малик Муродов ўзбек халқ оғзаки ижодининг бошқа турлари қаторида халқ ўйинларини ўрганиб, тартибга солиб келади. Улардан энг муҳимлари сараланиб, «Ўзбек болалар фольклор ўйинлари» номли китоб яратилди. Олим Туркия жумҳурияти Маданият ишлари вазирлигининг ходими Мавлут Ўзхон билан ҳамкорликда «Турк жумҳуриятларида болалар ўйинлари» китобини яратди. Китоб яқинда Туркия Маданият вазирлиги томонидан Анқарада кўп минг нусхада босилиб чиқди.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Бу дунёнинг ишлари

Ягона Президент бўладими?

Россия Федерацияси Давлат Думаси раиси Г.Селезнев Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ парламентлараро кенгаш Ассамблеясидан сўнг журналистларнинг саволига жавоб берар экан, Россия ва Белоруссия Иттифоқи муносабати билан ягона Президент сайловлари ўтказилиши мумкинлигини рад этди. Қуйи палата спикерининг сўзига қараганда «гап Россия ва Белоруссиянинг бутунлай қўшилиб кетиши ҳақида кетаётгани йўқ».

Янги ҳукумат тузилмоқда

Германиянинг янги сайланган канцлери Герхард Шредер коалицион ҳамкорлари билан учрашиб, янги ҳукумат аъзоларини тузмоқда. Сешанба куни Шредернинг партияси — Социал-демократлар билан, ҳамкор партия — Яшиллар коалицион келишув ҳужжатларини тасдиқлайдилар. Лекин, ҳозирданоқ социал-демократлар партияси раиси Оскар Лафонтен молия вазири, социал-демократларнинг парламентдаги фракция раҳбари Рудольф Шарнинг мудофаа вазири курсисини эгаллашлари маълум бўлди. Журналистларнинг башоратига кўра яшиллар ташқи ишлар, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни асраш масалаларини ўз назоратларига оладилар.

Диктатор қамоққа олинди

Лондонда қамоққа олинган диктатор Пиночетни озод қилиш тўғрисидаги Чили ҳукумати талабига қарамасдан у ҳибсда сақланмоқда. Ҳукуматнинг Пиночет умрбод сенаторликка сайланганлиги, Буюк Британияга дипломатлик паспорти билан келганлиги рўкач қилишлари ҳам наф бермаяпти. Ўзининг 82 ёшини яшаётган Пиночет давлатни бошқарган 70-80 йиллар давомида Испания фуқароларини ўлдирганликда айбланмоқда. У Лондонга даволаниш мақсадида келган эди. Диктатор Испания ҳукуматининг илтимосига биноан қамоққа олинган. Ҳукумат уни Испания фуқароларининг ўлдирилганлиги юзасидан сўроқ қилиш ниятидадир.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ДОИМИЙ МУҲЛИСИМИСИЗ?

Обуна 99

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Нуриддин ЗАЙНИЕВ,
Муборак газни қайта ишлаш заводи директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзоси:

— Шахсан ўзим ҳам, жамоамиз аҳли ҳам «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарини севиб ўқиймиз. Матбуотга ҳаётимиз кўзгуси сифатида қараймиз. Заводимизда газеталарга обуна бўлишни раҳбар ходимлар ўз назоратлари остига олган. Кам даромадли оилаларни, фахрийларни завод ҳисобидан обуна қилишни йўлга қўйдик.

Газеталарнинг Президентимиз ва ҳукуматимиз сиёсатини халққа етказиш, ижодий фикрларни шакллантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, 1999 йил учун обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш режасини туздик. Жумладан, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарининг ҳар бирига 100 тадан обуна бўламиз. Шу ўринда бир истак билдирмоқчиман. Муаллифларнинг газеталардаги ҳар бир чиқишларида Президентимиз, ҳукуматимиз ва партиямиз сиёсати уфуриб турса...

«Поезд йўли нега қисқарди?»

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Жорий йилнинг 10 октябрида «Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Поезд йўли нега қисқарди?» сарлавҳали мақола республика ИИВ Нақлиёт ички ишлар бошқармаси барча шахсий таркиби ўртасида атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокама этилди.

Бундан ташқари шу йилнинг 14 октябрь куни «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси «Узжелдорпасс» ходимларининг шу масала юзасидан ўтказган кенгайтирилган йиғилишида Нақлиёт ИИВ раҳбар ходимлари иштирок этиб, ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ушбу мақолада баён этилган 79/80-сонли Тошкент-Термиз поездида содир бўлаётган вагон қузатувчилари томонидан йўловчиларни чиптасиз олиб кетиш каби қоидабузарликлар ва жиноятларга қарши қаратилган тезкор профилактик тадбирларни Транспорт ички ишлар ходимлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралари билан ҳамкорликда олиб бормоқда.

Шу йилнинг 9 ойи давомида бундай тадбирлар натижасида республикамиз маҳаллий ҳудудларида қатновчи барча йўловчи поездларда қузатувчиларнинг фаолияти текширилиб, чиптасиз йўловчиларни ва ноқонуний юк олиб кетиш ҳоллари бўйича 62 та факт аниқланиб, 80 та қузатувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилди. Мазкур Тошкент-Термиз поездидан эса 12 та қузатувчи аниқланиб, шундан 6 таси жиноий жавобгарликка тортилди, 6 тасига нисбатан маъмурий жазолар қўлланилди.

Бундан ташқари мақолада таъкидланган поездларнинг ойналарига тош отиш каби тартиббузарликлар биз учун долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу йўналишда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида темир йўл объектларида мунтазам равишда «Ўсмир», «Ғамхўрлик», «Ойна» каби махсус профилактик тадбирлар жойларда ғаҳар, туман ички ишлар идоралари ва халқ таълими ходимлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ўтказилади. Асосий эътиборни тарбиявий ишларга қаратган ҳолда қонунда белгиланган жиноий ва маъмурий чоралар кенг қўлланиб, ўтган 9 ой давомида темир йўлда ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган 120 тадан ортиқ ўсмирлар аниқланиб, уларнинг ота-оналаридан 247 минг сўм миқдорида келтирилган моддий зарар суд орқали ундириб олинди.

Муаллиф ўз мақоласида мулоҳаза сифатида кўрсатишича, гўёки милиция ходимлари хизмат мансабини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаатини кўзлаб поезд қузатувчисига нисбатан таъмагирлик қилиш ҳолатларини акс эттирган. Ушбу ҳолат бўйича аниқ фактлар кўрсатилмаганлиги ҳамда воқеа тўла тафсилоти билан ифода этилмаганлигини ҳисобга олиб ва бу иш юзасидан ҳуфиёна текширувлар ўтказиш мақсадида бошқарма ходимларидан иборат махсус гуруҳлар ташкиллаштирилди.

А. БАДАЛБОЕВ,
Нақлиёт ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Бизга кўмак беришармикан?

Хатлар, хатлар, хатлар

Онам — Султонхон Раҳимова икки йилдирки озодликдан маҳрум этилган. Ёлғиз ўзи 8 фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилган муштипар бир аёл айбсиз айбдорга айланиб қолди. Оиламизда тинчлик, ҳаловат йўқ.

Вақтингизни олсам-да бўлиб ўтган воқеани қисқача гапириб берай. Онам бизларни вояга етказгунча бошидан кўп қийинчиликларни кечирган. 8 болани боқишнинг ўзи бўладими, ахир. Мустақилликка эришганимиздан кейин тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгач, эмин-эркин фаолият юрита бошлагандилар. Ҳамшаҳримиз Саидахон Қосимова онам билан яқин ҳамкорликда ишлаб, анчагина қарздор бўлиб қолган. Тўлашга келганда эса...

Онам билан бирга ишлаган тижоратчи аёллардан бири «Султонхон опа яна қарзини қистаб келса, менга зўрлик қиляпти, деб ИИБ бўлимига ариза ёзиб бер», дея «ақл» ўргатган. Қосимова худди шундай қилган ва онам қарзини сўраб борганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинган.

Онам устидан ариза ёзиб, милицияга мурожаат қилган Саида Қосимова суд пайти туҳмат қилганини тан олиб, кечирим сўради. Унга қўшилиб бўҳтон ариза ёзиб берганлар ҳам айбларига иқрор бўлдилар. Айни пайтда улар жабрланувчи эмас, балки туҳматчи ва фирибгарликда айбланмоқда.

Бу орада асли юрак хасталиги бўлган онамнинг аҳволи янада оғирлашиб қолди.

Мени, бутун оиламизни мана шу савол жуда қийнаб келяпти.

Бирдан-бир ҳадигим онамнинг саломатлигидан. Уйда ёки шифохонада даволана туриб судда иштирок этсалар кўнглимиз тинч бўларди. Агар лозим бўлса, бутун оила аъзолари (судга маҳалла аҳли ҳам кафиллик хати ёзиб берган)миз онам учун кафолат беришга тайёрмиз.

Соҳиба МАДИМАРОВА,
Андижон шаҳри.



Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги

3-бет

Бухорий нуридан олам нурафшон

ҲАДИСЛардан:

- Салом бериш ислом амалларидандир.
- Эрнинг қадрига етмаслик куфрга яқин нарсадир.
- Ғуноҳлар жаҳолат қилмишидир.
- Жанозада қатнашиш иймондандир.

- Мунофиқнинг аломатлари:
  — омонатга хиёнат қилгайдир;
  — сўзласа, ёлғон сўзлагайдир;
  — шартнома тузса, шартида турмагайдир;
  — уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳаклик қилгайдир.

- Оллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмини юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуғ қилгайдир...
- Омонат (ҳалоллик) ўртадан кўтарилганда қиёматни кутавергил.

Имом ал-Бухорий

Ислом оламида Муҳаммад алайҳиссаломнинг чориёрларидан сўнгги ўринда турувчи буюк инсон, улуғ ҳадисшунос Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий-илоҳий фаолияти хусусида шу дамгача Шаркда бирор бадиий асар яратилмаган эди. Жумҳуриятимизнинг таниқли шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Душан Файзи Зарафшоний мазкур бўшлиқни тўлдиришга — Имом ал-Бухорийнинг бадиий сиймосини яратишга жазм этиб, «Имом ал-Бухорий» шеърий романини ёзди.

Қуйида шу асардан парча ҳукмингизга ҳавола этилади.

XII. Ихроқ

Тонгда Бухорони тарк этди Абу,
Самарқанд тарафга кетар эди у,
Бир оқшом аммасин эслаб ниҳоят,
Ҳикоя қилганди акаси Аҳмад,
Аммасининг қизи Нурпошшо бегим,
Тақдирни қарангки, нима ҳам дердим.
Она ҳам, ота ҳам оламдан ўтиб,
Ёлғиз ул қизалоқ ўсиб, бўй етиб,
Хартанг қишлоғига бўлганмиш келин,
У манзил қайдадир, билмасмиш йўлин,
Даҳбет қўрғонидан бурилар эмиш,
Сўнгра чап томонга юрилар эмиш...
Абу йўл босаркан атрофга қараб,
Бир озод қуш каби севиниб, яйраб,
Яшил далаларга тикарди кўзин,
Кўм-кўк боғлар аро кўрарди ўзин,
Бунча жозибали бу юрт чиройи,
Жаннатга монанддир ҳар битта жойи.
Менинг Вобкентим бу ва Ғиждувоним,
Менинг Бўстоним бу ва Ғардиёним,
Қадим бир тарихдир — шаҳри вайрондир,
Кўҳна бир манзилдир — ул Хуросондир,
Менинг Насафим бу, менинг Термизим,
Жайҳуним, Сайҳуним, қарағим, кўзим.
Менинг Самарқандим ва кекса Шошим,
Фарғонам — жаннатим, менинг кўз ёшим,
Зарафшон бўйлари жондан зиёдроқ,
Қутайба лашкари топтаган тупроқ,
Таланган, хўрланган жафокаш юртим,
Жафоларга қолган балокаш юртим,
Зулукдай сўришар халқим қонини,
Бори-бундин олар, олар жонини,
Бир юз-у олтмиш йил аввал бошланган,
Парча-парча қилиб бўлиб ташланган,
Яжуж-мажуж каби келмиш бостириб,
Қаршилик қилганни ўлдириб, қириб,
Шундай сулув ўлка хору-зор бўлса,
Куйса, вайрон бўлса, тору-мор бўлса,
Наҳот чегараси йўқдир бу ернинг,
Наҳотки эгаси йўқдир бу ернинг,
Айтинг, қачон биз ҳам одам бўламиз,
Қачон қўлимизга қилич оламиз?
Шундай буюк Ватан қул бўлиб ётса,
Ерга парчин бўлиб, кул бўлиб ётса,
Бедард, лоқайдлигинг жонимдан ўтар,
Тўқсон икки қавмим, бирлашсанг нетар.
Ҳоқонларинг қани, суруринг қани,
Ору-номус қани, ғуруринг қани?
Наҳот юрагингда олов бўлмаса,
Қонингга бўялган ялов бўлмаса?!
Оғзингда ошингдир, кўзингда ёшинг,
Охир қачонгача етар бардошинг,
Бир бор кўзғалгонинг кўрсайдим эди,
Қилич-ла ёнингда турсайдим эди,
Юртимиз ёвлардан этсайдик озод,
Бизга насиб қилса шундай бир мурод,
Олло иродаси — юртлар кўркидир,
Элнинг ободлиги, инсон эркидир,
Босқинчилик асли эрур жаҳолат,
Босқинчини қувмоқ — эрур адолат.
Юртим балолардан халос эт, тангрим,
Очкўз юҳолардан халос эт, тангрим,
Ўзингдан иноят тиларман яккаш,
Ўзингга ибодат қиларман яккаш,
Ўзинг билгувчисан, ўзингга аён,
Бизга қийин эрур, сен учун осон,
Душманга завол бер, оллоҳу акбар,
Юртимга камол бер, оллоҳу акбар.

XV. Мунозот

Бир ҳафтадир Абу осмонга қараб,
Яратган Оллоҳдан илтижо сўраб,
Касаллик дардини чекиб ётарди,
Нурпошшо борига шукур этарди,
Усмон ва хотини кеча-ю кундуз,
Касални қолдирмай ўзини ёлғиз,
Барча деганини келтириб бажо,
Бошида парвона эдилар гўё,
Тунлари беморда иссиқ ошарди,
Кундан-кунга дарди оғирлашарди,
Сўнг, оқшом хонада қоларкан танҳо,
Рўбарў бўлганда бевафо дунё,
Алам кўз ёш бўлиб чиқди кўзига,
Дардларини айтди ўзи-ўзига:
— Сўнг бор бу йўллардан ўтаётирман,
Айтинг, мен қаёнга кетаётирман,
Олтмиш йил муқаддам юрганим сўқмоқ,
Бандидан узилган олтмишта яproқ,
Арава чархидек тўгарак дунё,
Тегирмон тошидек айланар гўё,
Умр деганлари — ул неча фурсат,
Кўз юмиб, очишга улгурдим фақат,
Гоҳо, хаёлимни олиб қочди у,
гоҳо қанотида олиб учди у,
Бухоронинг сўнгги, маҳкум юртидан,
Ўша олтмишинчи тоғнинг ортидан,
Сўнг бор чиқар балки менинг қўёшим,
Сувсиз Зарафшонга томиб кўз ёшим,
Балким бир тўлқинлар қилғуси пайдо,
Шунда адолатни тан олар дунё.
Нечук адолат бу — ожиз ва сўқир,
Тўғилган шаҳримга сиғмасам ахир?!
Куфага сиғсам-у, Бағдодга сиғсам,
Макка, Мадина, Ар-Риёдга сиғсам,
Сиғсам шаҳри Машҳад ва Исфаҳонга,
Нишопурга сиғсам, мулки Эронга,
Наҳлага, Тоифга, Абво, Укозга,
Ироқ-у, Шом ила Хайбар, Ҳижозга,
Шаҳрим Бухорога сиғмасам, э воҳ,
Қани адолатинг, эй золим, дунё!..
Қоҳирага сиғсам, Луқсорга сиғсам,
Басра деган ўшал гулзорга сиғсам,
Дамашққа сиғсаму, Қуддусга сиғсам,
Ҳирот-у, Балх ила Термизга сиғсам,
Шаҳрим Бухорога сиғмасам, э воҳ,
Қани адолатинг, эй, золим дунё...
Абу ҳолдан тойиб, сўнг бир ўксинди,
Ғўёки мўрт дарахт қисирлаб синди,
Сўнг деди: Мен сўзим айтиб тугатдим,
Адолат ҳаққига қасида этдим,
Сабр бер, қаноат, оллоҳу акбар,
Элга бер адолат, оллоҳу акбар.
Юртим деб иноят тиларман, тангрим,
Юртим деб ибодат қиларман, тангрим,
Оллоҳ, билгувчисан, ва сенга аён,
Бизга мушкул эрур ва сенга осон.

* * *

Абдуллоҳ сезарди кунин битганин,
Қуёш пастга кетиб, вақт ўтганин,
Қиличини қайраб турган ул ҳасад,
Асабни қақшатган фисқ ила фасод,
Замона зўрники дегани шудир,
Магар зўр эмассан иложинг надир?
Темирни занг каби кемирди гўё,
Томирни оғудек емирди гўё,
Охир олиб келди жар ёқасига,
Ҳаётнинг энг сўнгги минтақасига.
Энди муолажа амали ҳечдир,
Шам ёниб тугарди, ҳаммаси кечдир,
Жаҳду жаҳолатнинг дастидан минг дод,
Ёмонлиқ дастидан минг битта фарёд,
Тириклик йўлида чағир хор-у хас,
Эндиги кўз ёшлар — барчаси абас,
Абунинг борлиғи ёниб борарди,
Дилдаги чироқ ҳам сўниб борарди.
Даҳо бўлатуриб хор бўлганлиги,
Битта эзгу сўзга зор бўлганлиги,
Дунёни олди-ю, дунё йўқотди,
Бир дарё бўлди-ю дарё йўқотди.
Султон бўлатуриб, қул бўлиб қолди,
Олов бўлатуриб, кул бўлиб қолди,
Оллоҳим, дўзахинг дарвозасин оч,
Қанчалик қаҳрингдир бошим узра соч,
Иймон-у диёнат — барчаси ёлғон,
Инсоф-у адолат — барчаси ёлғон,
Агар мусулмонлик шу бўлса охир,
Унда мен — дўзахий, уҳда мен кофир.
Адолат, ҳақ дедим — чекдим минг озор,
Шу йўлда айладим жонимни нисор...
Кўзларида ёшми ва ёки алам,
Нурпошшо, Усмонни чақирди шу дам:
— Энг сўнгги сўзимдир — ёдда тутинглар,
Ҳув, чинор тагида дафн этинглар,
Шунда менинг руҳим тинч ва шод бўлгай,
Замон келиб бу жой кўп обод бўлгай,
Имом ал-Бухорий кароматимдир,
Менинг адолатим — саодатимдир...
Тонг маҳал Хартангда бўлди қиёмат,
Фақат қаноатдир, фақат қаноат,
Бир чинор қулади бу тонг гурсиллаб,
Шохлари ҳам синди унинг қарсиллаб,
Дунёни бузгудай момақалдироқ,
Гумбурлар... гумбурлар эди ҳаммаёқ.
Ер юзин қоплади даҳшатли тўзон,
Аламлидир замин, аламли осмон,
Қоп-қаро булутлар бугун тонг-саҳар,
Оламга тарқатди ўкинч шум хабар,
Имом ал-Бухорий оламдан ўтди,
Бу ёруғ дунёни, ҳайҳот, тарк этди...
Зарафшон тўлғаниб оқмоқда бу дам,
Тўлғаниб оқмоқда Жайҳун, Сайҳун ҳам,
Зилзилага келиб гумбурлар тоғлар,
Мотам либосини киймишди боғлар,
Ҳовлида Нурпошшо қиларди фарёд,
Усмон ҳам қон бўлиб солар эди дод.
Жанозага келмиш туманот одам,
Неча қишлоқлар-у, элатлардан ҳам,
Бунақа йиғинни кўрмаган Хартанг,
Тобутни масжидга элтдилар аранг...
Дафн тугар экан тинди ҳаммаёқ,
Имомни бағрига яширди тупроқ,
Тангри раҳмат қилсин уни илоҳим,
Қабри нурга тўлсин унинг илоҳим,

Бухоро — Самарқанд
1992-1994 йиллар



Суратларда: Самарқанд шаҳри теграсидаги Хартанг қишлоғида бунёд этилган Имом ал-Бухорий мажмуасидан лавҳалар.

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар

Умр баёнидан

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг оталари Шайх Исмоил ибн Иброҳим ҳадис илмидан бохабар ўқимишли киши эди. Тижорат ишлари билан ҳам шуғулланарди.

Муҳаммад ал-Бухорий ғўдаклигидаёқ отадан етим қолган. Онаси тарбиясида улғаяркан, ёшлигиданоқ илмга берилди. 10 ёшларидаёқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиб, ёдлашга қунт билан киришдилар.

Ўн олти ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланадилар. Сафар асносида Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хумс, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм сирасрорларини ўргандилар. У киши жуда зеҳнли, зийрак, истеъдодли бўлганлар. Қайсики китобни қўлга олиб, бир марта мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди. Ул зотнинг шогирдларидан бири Амр ибн Фаллос айтганларидек: «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдур». Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазийнинг айтишича, «Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас».

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаганлар. У зотнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ва «Ал-Адаб ал-Муфрад»дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Юртимиздаги диний кутубхоналарда «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «ат-Тарих ал-Кабир» («Катта тарих»), «ал-Қироату халфа-л-Имом» («Имом ортида туриб ўқиш») каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуддир.

Имом ал-Бухорий ўз ватани Бухорога қайтгач бирмунча муддат илм толибларига ҳадисдан сабоқ берадилар. Тақдир тақазоси ила Самарқанд томон йўл оладилар ва кўҳна шаҳар яқинидаги Ҳартанг қишлоғида бироз муддат қўним топдилар. Бир неча кун хасталаниб ётгач, милодий 875 йилнинг рамазон ойи охирги олтмиш ёшида вафот этадилар ва ўша ерга дафн этиладилар.

«Ҳадиси шариф» ўйланмаси

Азиз муштарий! Олдин муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаётига оид ва «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») нодир асаридаги айрим ҳадисларнинг рақамларда ифодаланган сўзларини топиб очқични ечинг.

1. Имом ал-Бухорий ёшлигидаёқ китобларни ёддан билган, Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўплами таълиф этган муҳаддис — 2,4 — 20, 2, 5, 23, 2, 10, 3, 11.

2. Имом ал-Бухорий ҳадис илмини ўрганиш мақсадида бўлган Арабистон шаҳарларидан бири — 22, 2, 20, 2, 12, 21.

3. Буюк муҳаддис ҳаёти ва фаолиятига оид асарлар муаллифи, таниқли ўзбек шарқшунос олим — 6, 23, 2, 16, 8, 23.

«Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»)даги ҳадислардан:

4. Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу: «Киши ўз молининг айбини яширган ҳолда савдо қилиши 7, 2, 4, 8, 4 эрмас», — дедилар.

5. Миқдам ибн Маъдикабира разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Озиқ-овқатларингизни (тўғри) 14, 4, 15, 2, 9, 13, 3, 10, 4, 2, 5, (Оллоҳ таоло) сизга барака ато этур!», — дедилар.

6. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўлдаги 2, 10, 3, 24, 16 берадиган нарсани четга олиб қўйиш — садақадур», — дедилар.

7. Ҳишом ўз оталари (Урва ибн Зубайр)дан нақл қилиб бундай дейдилар. «Ойша онамиз разияллоҳу анҳо беморга сутли ҳўрда ичирмоқ кўп манфаатли эканлиги ҳақида гапира туриб: «Сутли хўрда, 19, 18, 20, 8, 5 ёқтирадими, йўқми, дардига даводир!», — деб айтганлар».

8. Абдуллоҳ ибн Зайд ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен бирлан Ҳавзи 17, 2, 23, 1, 2, 5 бўйида учрашгунингизга қадар сабр қилингизлар!» — дедилар».

Очқич жавоблари асосида шаклдаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ҳал этинг. Ундан буюк муҳаддиснинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») асаридан яна бир ҳадиси шариф аён бўлади.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Устозлар мадҳи» ўйланмасининг жавоблари

Очқич: 1. Ранж. 2. Бисёр. Мезбон. 3. Қоплаб. 4. Муҳтарам. 5. Улуғлаб. 6. Устод.

Ҳикмат:

Устоз падарим илғор,
Ундан ортиқ ҳақи бор.
Падар ҳаёт беради,
Устод нажот беради.

Анжуман ўтказилди

Ислом дунёсининг буюк алломаси, ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий таваллуд топган кунинг 1225 йиллигига бағишлаб Навоий вилоятининг Кончилар шаҳрида илмий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Нурота туманининг «Гулустум» масжиди имоми Ҳожа Насриддин, Навоий шаҳар Қосимшайх жоме масжиди имоми Зикриё ҳожи ва Зарафшон шаҳрининг кекса нуронийси Йўлдош бобо Холбоевлар ҳадис илмини ёш авлод қалбига сингдириш муҳимлиги ҳақида фикрлар билдиришди.

Ислом дини ниқоби остида айрим ақидапарастларнинг пуч ва ёлғон ғояларини жамиятимиз орасига киритмаслик ҳақида ҳам фикрлар баён қилинди. Зеро, ақидапарастлар ўзларига жабр қилмай ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги эзгу ишларга тўғаноқ бўлмасликлари зарур. Анжуман аҳли Ватанга осойишталик, ризқ-барака тилаб қолдилар.

Ўткир ПЎЛАТОВ

- Ишинг (қўйинг) нопок одамларга қолганда қиёматни кутавергил.
- Ё раббий, илмимни зиёда қилгайсен, деб сўра.
- Ҳаё иймондандир.
- Фитнадан ҳазар қилмоқ диндандир.
- Севишлик иймондандир.

- Ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмоқлик иймондандир.
- Дин насиҳатдир.
- Очларни тўйғазиш исломдандир.
- Бировга зарари тегмаган киши мусулмондир.
- Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг.

- Икки гуруҳ мўъминлар бир-бирлари билан уришсалар, ўрталарига тушиб, яраштириб қўйингиз, зеро Оллоҳ уларни ҳам мўъминлар деб атаган.
- Илмга эътиборсизлик, нодонлик, араҳхўрлик ва зинокорликнинг оммавий тус олмоғи қиёмат аломатларидандир.

- Қуёш бирлан Ой бирор кишиниҳг туғилгани ёким ўлгани учун тутилмагайдир.
- Тоза туфроқ мусулмон киши учун (сув йўқида) сув ўрнига ўтадиган таҳорат воситасидир.
- Ювуқсиз одам таҳорат олиб, кейин ухлайди.

Аҳмад Фарғонийга таъзимда жаҳон



Ал-Маъмуннинг дунё харитаси ҳақида

Бундан ўн икки асрча олдин тузилган «ал-Маъмун дунё харитаси» номи билан маълум ва машҳур. Бу харита ҳозир ишлатилмайди. Лекин, у замонамизнинг олий геодезия, картография назарияси ва космик геодезияси қонун-қоидалари асосида тузилган хариталарнинг тарихий заминидир. Ал-Маъмун харитасини тузишда бир қанча ўша замон олимлари, жумладан, Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳам иштирок этганлиги маълум. Масалан, Германиядаги Франкфурт университети қошидаги Араб ва ислом фанлари институти профессори, замонамизнинг етакчи шарқшуносларидан бири Фуат Сезгин ҳам буни эътироф этади.

Халифа ал-Маъмун (813-833 йилларда ҳукмронлик қилган) даврида Бағдодда ташкил топган «Байт-ул-ҳикма» («Билимлар уйи»)нинг яни «Маъмун Академияси»нинг асосий ўзагини Марказий Осиёлик олимлар ташкил этган.

Халифа ал-Маъмун қадимги юнон фани ютуқларидан фойдаланишга катта аҳамият берди. Антик давр олимлари — Геродот, Платон, Аристотель, Гиппократ, Эратосфен, Гиппарх, Птолемей каби олимларнинг асарлари келтирилиб, улар «Байт-ул-ҳикма»да араб тилига таржима қилинди. Юнон фанидаги талайгина ютуқларни қабул қилдилар, ўзлаштирдилар ва янги тадқиқотлар асосида бойитдилар.

Халифа ал-Маъмун салтанатида олимлар олиб борган астрономик ва географик тадқиқотлар асосида дунё харитаси тузилгани маълум. Қадимги юнон олимлари ҳам ўзлари билганча Ер ҳақидаги тасаввурларини умумлаштириб, дунё хариталари яратганлар. Аммо улардан энг мукаммаллари Марин Тир (I аср) ва Клавдий Птолемей (II аср) томонидан тузилган карталар бўлган. Бу карталар «Маъмун академияси» олимлари ихтиёрида бор эди: иккала карта ҳам Маъмун дунё харитасини тузишда асос бўлиб хизмат қилган. Айни пайтда, халифалик олимлар янги илмий тадқиқотлар заминида жуда кўп маълумотлар қўшганлар, тузатишлар киритганлар. Бошқача қилиб айтганда, улар дунёнинг ўз давридаги билимлар ютуқларига асосланган янги картасини яратганлар ва у «Маъмун дунё харитаси» номи билан фанга кириб қолди.

Маъмун дунё картасининг афзаллиги ҳақида кейинги асрларда яшаган олимлар қайд этганлар. Чунончи, машҳур араб географи ал-Масъудий (X аср), халифа ал-Маъмун дунё харитасини ўз вақтида Марин Тир томонидан чизилган дунё харитаси билан қиёслаганини ва Маъмун харитаси ҳар томонлама илмий ва афзал чизилганлигини таъкидлайди. Демак ҳар иккала харита ҳам X асрда мавжуд бўлган...

Маъмун дунё харитаси, аниқроғи, унинг Фазлуллоҳ ал-Умарийнинг (вафоти милодий 1348-49 йил) «Масолик ал-абсор» асари икки қисмдан иборат: биринчи қисм — Ернинг умумий тавсифи, иккинчи қисм — ер юзидаги халқлар, элатлар ҳақида. Кўриниб турибдики, «Масолик ал-абсор» ўз мазмунига кўра, асосан илмий географик асар бўлган ва муаллиф унга илгари ёзилган асарлардан турли географик маълумотларни киритган. Жумладан, «Маъмун дунё харитаси» ҳам ундан ўрин олган эди.

Қадимги юнонлар Ернинг шарсимонлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлсалар-да, бироқ унинг ўзларига маълум қисмидагина ободончилик бор деб тасаввур қилганлар ва бу қисмни «Эйкумена» («аҳоли яшайдиган бўлак») деб атаганлар. Дунё океани тўғрисида ҳам қадимги юнонларда аниқ тушунча бўлмаган: кўпчилиги қуруқликнинг ҳамма томони океан, яъни ўровчи денгиздир, десалар, баъзилар қуруқлик кўп деб тушунганлар.

Халифа ал-Маъмун салтанатидаги олимлар катта бир атлас тузганлар ва ундан дунё харитаси билан бирга, алоҳида ўлкалар ёки турли географик объектлар (масалан, алоҳида бир денгиз, ёки Нил дарёси) хариталари ўрин олган. Яна бир мукаммал дунё харитаси юнон олими Клавдий Птолемейнинг «География» асарида бор эди. Ҳозирги вақтда Марин Тирнинг дунё харитаси сақланганлиги ҳақида бизда маълумот йўқ. Бироқ Птолемей хариталари Европада қайта-қайта нашр этилиб ҳозиргача етиб келган. Биз Маъмун дунё харитасини Птолемей «География»сидаги дунё харитаси билан қиёслаб, ал-Фарғоний яшаган илмий муҳитдаги географик тасаввурлар ҳақида баъзи хулосалар айтсак.

Маъмун дунё харитаси ал-Умарий асарида рангли тасвирда берилган. Бу карта ҳозирги ярим шарлар харитасининг шарқий бўлагини эслатади, яъни доира шаклида чизилган. Доиранинг энг чеккаси қора тасма билан ўралган, бу — Зулумот денгизи, ундан сўнг қуруқлик атрофи ҳаворанг бўёқ билан ўраб чизилган, бу — дунё океани. Бошқача айтганда, ер шарида қуруқликни сув — дунё океани ўраб олган, деган тушунчани англатади. Доира ичида ҳозирги Евроосиё ва Африка қуруқликлари, Ўрта денгиз, Қора денгиз, Азов денгизи, Каспий денгиз, Қизил денгиз, Форс кўлтиғи, Ҳинд океани, Арабистон ярим ороли, Ҳиндихитой ярим ороли, Нил дарёси кабилар харитада анча аниқ тасвирланган.

Харитада географик тўр, яъни параллел ва меридиан чизиқлари ўтказилган, узунликлар экватор чизиғи устида ҳар беш градусда араб ёзувида абжад ҳисобида ёзиб қўйилган.

Яна бир муҳим томони, ал-Маъмун дунё харитасининг сўл ёнида экватор чизиғидан шимол томонда етти иқлим жадвали берилган. Демак, обод ерларнинг етти иқлимга бўлиниши ҳам ал-Маъмун дунё харитасида ўз ифодасини топган.

Птолемейнинг дунё харитаси конус шаклида проекцияда чизилган, градус тўри ўтказилган, қитъаларда Европа, Осиё, Африка деган номлар берилган. У ўзининг «География» асарида эйкуменани етти иқлимга эмас, балки 21 зонага бўлган. Бу картанинг ўзига хос хусусияти — континентал назариясига асослангандир. Яъни ер юзида сувга нисбатан қуруқлик кўпайтириб чизилган. Африка қатъасини шарққа чўзиб, Осиёнинг шарқий чеккасига олиб бориб уланган. Птолемей ўз тасаввуридаги ушбу қуруқликни номаълум ер (Терра инкогнито) деб номлаган. Натижада Ҳинд океани қуруқлик ўртасидаги ёпиқ денгиз кўринишини олган. Птолемейнинг бу хатосини ал-Маъмун салтанати олимлари қабул қилмадилар. Улар ер юзида қуруқлик ҳамма томондан сув билан ўралган, деган назарияни ривожлантириб, уни Маъмун дунё харитасида ифода этдилар.

Ал-Маъмун дунё харитаси ўз даврининг нодир картографик ёдгорлигидир. Бу харита халифа ал-Маъмун саройи олимлари томонидан катта масъулият билан тузилган бўлиб, унда ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний каби бир қанча Марказий Осиёлик олимларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари номзоди

Буюк астроном, муҳаддис ва тадқиқотчи ал-Фарғоний номи бутун маърифий дунёда машҳурдир.

Кўпгина асрлар мобайнида денгизчи ва карвонбошилар фойдаланган, юлдузларнинг ҳаракатини ўлчайдиган асбоб-устурлобни ўша зот кашф қилган.

Мисрдаги Нил дарёси сатҳини аниқ белгилаб берадиган, бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган улкан иншоот — нилометрни ўша зот барпо эттан. Биз ана шундай буюк аждодларимиз номини фахр билан тилга олиш ҳуқуқига эгамиз.

Ислом КАРИМОВ

«Нилометр» таърифи

Нил дарёси ҳақида

Аҳмад Фарғоний бошчилигида қурилган иншоотнинг асосий вазифаси Нил дарёси суви сатҳини ўлчашдан иборат бўлган. Шу туфайли унинг гидрологик таърифи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиздир.

Дунёдаги энг азим дарёлардан бири ҳисобланган Нилнинг узунлиги 6671 км, сув тўплаш майдони эса 2870 минг кв.км. га тенг. Дарёнинг бош ирмоғи ҳисобланмиш Кагера дарёси Вирунга тоғлари (ал Хоразмийда Ой тоғлари)дан бошланади ва Виктория кўлига келиб қуйилади. Дарё мазкур кўлдан Виктория — Нил номи билан оқиб чиқади. Сўнг дарёга навбати билан чапдан бахр ал-Ғазал, баҳр ал-Араб, ўнгдан эса Асва, Собат, Зангори Нил, Атбара каби ўнлаб ирмоқлар келиб қуйилади. Кейинги 3000 километрли масофада, яъни Нил дарёси Ўрта ер денгизига қуйилгунча унга биронта ҳам ирмоқ келиб қўшилмайди.

Баланд Асвон тўғони қурилгунга қадар Нилнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 2000 метр куб/секундга тенг бўлган. Кўп сувли йилларда бу миқдор 15000 метр куб/секундгача ортган бўлса, қурғоқчил йилларда эса 400-500 метр куб/секундгача камайган. Сув сарфининг Асвон шаҳри яқинида шу ораликда ўзгариши сув сатҳининг 6-7 метр баландликда ўзгаришига олиб келган. Қоҳира яқинида эса нишабликнинг камайиши ҳисобига Нил дарёси суви сатҳининг ўзгариш амплитудаси 8-10 метрга тенг бўлган.

Нил дарёси Уганда, Судан ва Миср давлатлари ҳудудидан оқиб ўтади ва қадимдан шу ерларда инсоният яшашини, яъни ҳаёт мавжудлигини таъминловчи қон томир вазифасини ўтаб келган. Натижада Нил дарёси ҳавзаси (водийси) инсониятнинг қадимий маданият бешикларидан бирига айланган. Бу ерда асрлар давомида инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатган ўзига хос ёрқин маданият ўчоғи юзага келган. Бунинг сабабларини ҳам воҳага обиҳаёт етказиб берувчи Нил дарёси, унинг гидрологик тартиби билан изоҳлаш мумкин.

Дарёда айни жазирама ёзда сув кўпая бошлайди, қирғоқлардан тошиб, ўзани кенгая боради. Тўлинсув даври сентябрь ойига тўғри келади. Шу вақтда сув сатҳи юқорида қайд этилганидек 8-10 м. баландликкача кўтарилади. Натижада сув дарё водийсидаги қайирларни тўлдириб, Нил гўёки узун кўлга айланади. Шу ҳолат бир неча ҳафта давом этади. Сўнг дарё суви қайирларда унумдор тупроқни қолдириб, секин-аста ўзанига қайтади.

Бу ҳолатни юнон маърифатпарвари Ахилл Татий (милоднинг 2-3 асрлари) қуйидагича тасвирлайди: «Мисрликлар учун Нил ҳамма нарса — ҳам дарё, ҳам денгиз, ҳам ботқоқлик. Бунда тенги йўқ манзаранинг гувоҳи бўласиз. Бир вақтда, бир ернинг ўзида қайиқ ва сўқа (кетмонсимон асбоб)ни, эшкак ва омочни, қайиқни бошқарув воситаси ва ўроқни, денгизчилар ва деҳқонлар қароргоҳини, балиқ ва чорва молларини кўрасиз. Кеча қайиқда сузган жойингизда бугун дон сепасиз... Мисрликлар Нилда сув кўтарилишини кутиб, кунлар санайди, Нил алдамайди... сув кўтарилади».

«Нилометр»ни қуриш учун жой танлаш

Аҳмад Фарғоний «Нилометр»ни қуриш учун Нил дарёси ўзанидаги Равао оролининг (Қоҳира шаҳри яқинида) жанубий чеккасини танлаган. Бу жой нафақат ўша давр, ҳатто ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилинадиган бўлса ҳам, сув ўлчаш ишларини амалга ошириш учун ниҳоятда қулай эканлигига амин бўламиз.

Маълумки, дарёларда сув ўлчаш постини қуриш учун жой танлашда бир қанча ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Ҳозирги кунда муҳандис — гидрологлар тайёрлашда ўқитиладиган «Гидрометрия» фани бўйича чоп этилган дарсликларда баён қилинишича, сув ўлчаш ишларини бажариш учун танланган жой қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

1) танланган жой дарёнинг бутун узунлиги бўйича сув режими элементларининг шу дарёга хос бўлган асосий хусусиятларини ўзида акс эттириши;

2) танланган жойда дарё йўналиши тўғри чизиқли кўринишда бўлиши;

3) шу жойда дарё узунлиги бўйича сув юзаси нишаблиги сезиларли даражада ўзгармаслиги;

4) узунлик бўйича дарё чуқурлигининг бир хил бўлиши;

5) дарёнинг қирғоғи ва ўзани мумкин қадар барқарор, яъни ўпирилиш, қулаш, лойқа босиш, емирилиш каби ҳолатлардан холи бўлиши;

6) дарё ўзани сув ўтлари ва бошқа тўсиқлардан холи бўлиши;

7) дарёнинг шу қисми ирмоқсиз бўлиши;

8) энг асосийси, танланган жойда сув ўлчаш ва кузатиш ишларини катта аниқликда амалга ошириш лозим.

Қайд этилганларга қуйидагилар ҳам қўшимча сифатида тавсия этилади.

Сув ўлчаш ишларини амалга ошириш мақсадида жой танлашдан олдин дарёнинг кўзда тутилган қисми (оралиғи) билан йирик масштабли хариталар, илмий-адабий манбалар ҳамда архив маълумотлари орқали ҳам танишиб чиқилади. Кейинги изланиш ва тадқиқотлар бевосита дарёнинг сув ўлчаш пости қуриладиган жойида ўтказилади. Бунда дарёнинг иншоот қуриладиган қисмини кўриб чиқиш ва чамалаш, дарё узунлиги бўйича ва бир неча характерли кўндаланг, қирқимларда чуқурликларни ўлчаш, дарё нишаблиги ва сувнинг оқиш тезлигини аниқлаш каби ишлар бажарилади. Булардан ташқари дарёнинг тўлинсув даврида энг юқори сув сатҳи, қирғоқларидаги ўзгариш ҳамда камсувли даврдаги энг қуйи сув сатҳи ҳолатларини аниқлаш лозим.

Мана шу талабларнинг бажарилиши сув ўлчаш қурилмасининг узоқ йиллар узлуксиз ишлашига имкон беради. «Нилометр»ни қуриш учун танланган жой ана шу талабларнинг ҳаммасига жавоб берган. Шу туфайли вақт синовидан муваффақиятли ўтиб, унда асримизнинг ўрталаригача, яъни охирги таъмирлаш амалга оширилган 45-50 йилларгача қарийб 1100 йил тинимсиз кузатишлар олиб борилган.

Афсуски, ҳозирги кунда Нилга нисбатан бир неча марта кичик бўлган дарёлар, ҳатто сойларда қурилган сув ўлчаш иншоотлари биргина тошқинга ҳам бардош бера олмай, тез фурсатда ишга яроқсиз ҳолга келиб қолади. Аҳмад Фарғоний қурган «Нилометр» иш фаолиятининг давомлилиги бўйича дунёда ягона сув ўлчаш қурилмаси ҳисобланади. Шу соҳага тегишли махсус адабиётларда «Нилометр»дек узоқ фаолият кўрсатган сув ўлчаш қурилмаси қайд этилмаган.

Фазлиддин ҲИКМАТОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ гидрология кафедраси доценти,
Даулетбай АЙТБАЕВ,
илмий ходим



Суратларда: Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний майдонида олиб борилаётган ишлардан лавҳалар.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

Миллий қадриятларимиз шамчироғи

Ал-Фарғоний мероси замондошлари ва кейинги авлодларга катта таъсир кўрсатган. Машҳур шарқ олимларидан исфаҳонлик жўғрофия билимдони Аҳмад ибн Умар ибн Руста, Абдувоҳид ал-Маррагарлий, Абу Райҳон Берунийлар ҳамда ўрта асрларда Ибн ан-Надим, ибн ал-Кифтиний, Абул Фараж, Бар Эбретлар ҳам Аҳмад ал-Фарғоний асарларини чуқур ўрганганлар, ўз асарларида унинг хизматларини миннатдорлик ила тилга олганлар. Ал-Беруний олим тўғрисида «Астролебия (телескоп пайдо бўлгунча ишлатилган асбоб)ларни татбиқ қилиш ҳақидаги» китобида Шарқда биринчи бўлиб астролебияни (устурлоб) ясаган у ҳақда ёзган шахс сифатида тилга олади. Ал-Фарғоний «Юлдузлар ҳақидаги фан асослари ҳақида китоб» асарида Қуёш системаси радиуси дунёда, олам тузилишининг геоцентрик назариясини эса мусулмон шарқида биринчи бўлиб баён қилиб берган.

Ал-Фарғонийнинг асарлари бутун жаҳонга тарқалган. Масалан, унинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» XII асрдаёқ лотин тилига икки марта, XIII асрда бошқа европа тилларига ҳам таржима қилинган. Ғарб олимларидан Даламбер, Брокельман, Х. Зутер, И. Ю. Крачковский, А. П. Юшкевич, Б. А. Розенфельдлар ал-Фарғонийнинг илмий фаолиятига юқори баҳо берганлар. Данте (XV), Шиллер (XVIII) каби буюк шоирлар, ўз шеърларида, унинг номини ҳурмат ва эҳтиром ила мадҳ этганлар. Ал-Фарғоний «Альфраганус» номи билан Ғарбда танилган, бир неча асрлар давомида Европа университетларида унинг асарларидан қўлланма сифатида фойдаланилган. Европа олимлари алломанинг илмий салоҳиятини чуқур ҳурмат билан эътироф қилганлар.

Аллома амалиёт билан ҳам муваффақиятли шуғулланган. Масалан, Бағдодда Шаммосия ва Дамашқ яқинидаги Қасюн расадхоналари қурилиши ва илмий кузатишларга раҳбарлик қилган. Мисрда яшаган вақтида «Миқёс ан-Нил» — Нил дарёси сатҳини ўлчашга мўлжалланган иншоот ал-Фарғоний бошчилигида, унинг режаси асосида қурилган. У асрлар давомида қадимий фиръавнлар ва эҳромлар ўлкасининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Ана шу иншоот лойиҳасига асосан XX асрнинг 80-йилларида Мисрдаги энг кучли гидроэлектр станция — Асвон тўғони қурилган.

Кўриниб турибдики, турли даврларда ал-Фарғоний асарлари дунёнинг хилма-хил тилларига таржима қилинган, амалда татбиқ этилган. Олимни дунё тан олган. Лекин минг афсуслар бўлсинки, шўролар даврида тарихимизни чуқур ўрганишга, дунё тан олган ўз мутафаккирларимиз меросини бутун оламга кўз-кўз қилишга имконият берилмади. Олимнинг асарларини ўз она тилимизга таржима қилиб, ўрганиб, ҳаётга татбиқ қилишнинг иложи бўлмади. Масалан, собиқ советлар даврида нашр этилган бирор энциклопедия ёки астрономияга оид дарсликда, ҳатто астрономия тарихига оид китобларда ҳам, «Фарғоний кратери»нинг номи қайд этилмаган. Ҳолбуки, Ойнинг ердан кўринадиган юзидаги диаметри 20 километрга яқин, бу кратерга ал-Фарғоний номи Ўрта аср европа олимлари томонидан берилган. Буюк аждодларимиз ўша даврдаёқ ана шундай эъзозланишга мушарраф бўлган.

Мустақиллик даврида давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган одилона сиёсат туфайли, миллий қадриятларимиз тикланмоқда, ал-Фарғоний каби юртимизнинг асл фарзандлари ўз қадрини топмоқда. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан ЮНЕСКО миқёсида аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга қарор қилиниши қувончли воқеа бўлди. Мазкур тадбир боболарнинг чироғини ёқиб, ўтмишдошлари меросини табаррук, деб биладиган ҳозирги авлодни улуғвор ишларга ундовчи қутлуғ қадамлардан биридир.

Илёс МИРЗИЁТОВ

Аҳмад ал-Фарғонийнинг жўғрофий мероси

Астрономияга оид китобда осмон ва юлдузлар, юлдузларнинг ҳаракати ва юлдузлар туркумлари тўғрисида умумий маълумотлар берилган.

Арабшунос ва математик Яков Голус бу асарни таржима қилиб ва чоп этиб ал-Фарғоний (лотинча Альфраганус) номини дунёга ёйди. 1464 йилда Падуя шаҳрида Фарғоний тўғрисида нутқлар ўқилган. Умуман, Альгоритм (ал-Хоразмий) билан Альфраганус (ал-Фарғоний) Шарқ мамлакатларидан кўра, Ғарбда кўпроқ шуҳрат қозонган.

Фарғоний 861 йилда ал-Мутаваккилнинг буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган асбобни тузатиш ва ўрганиш учун Фустот (ҳозирги Қоҳира) шаҳрига борган.

Фарғонийнинг астрономияга оид китоби охирида турли жойларнинг жадвали ҳам берилган. Шуниси қизиқки, Фарғоний тузган жадвал Хоразмийнинг жадвалидан «Иқлим»ларнинг чегаралари, бошланғич меридианлари билан фарқ қилади. Ҳолбуки, бу жадвалларнинг иккаласи ҳам бир вақтда бир шаҳарда тузилган. Фарғоний жадвалида аввало шарқ томондаги вилоятлар кўрсатилиб, ғарбга томон бирин-кетин баён этилган: «Аммот биринчи иқлим Машриқдан, Син мамлакатининг чеккасидан бошланади. Сўнгра Қузулум (Қизил) денгизини кесиб ўтиб, Хабаша мамлакати ва Нили-Мисирдан ўтади. Кейин бу иқлим Мағриб ерлари томон ёйилиб, Барбар мамлакатининг жанубидан ўтади ва Мағриб денгизига етади». Демак, дунё вилоятларининг рўйхатини тузишда Ҳинд, Эрон географиясининг таъсири кучлироқ бўлган.

Аҳмад ал-Фарғоний 865 йилда Мисрда вафот этган.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли бобокалонимиз буюк географ, астроном ва математик олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйининг кенг кўламда нишонланиши у кишининг руҳини шод этади.

Олим астрономик, геодезик ва географик ўлчов асбоблари, яъни астролябик — яъни қуёш соати ҳақида батафсилроқ ёзиб, дарё сувини ўлчайдиган асбоб («Миқёси жадид»)ни ихтиро қилади. Бевосита Марказий Осиёга тааллуқли баъзи маълумотлар олимнинг астрономияга оид китобининг охиридаги жадвалида келтирилган.

«Етти иқлим» ҳамда астрономияга доир «Жавоби илм-анжум вал ҳаракат ал-самовий» шулар жумласидандир.

Асқар ҲАЙИТОВ,
Қарши Давлат университети география ва геоэкология кафедраси катта ўқитувчиси

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 22 oktyabr, payshanba № 126 (23.363).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Самарқандда халқаро теннис

Спорт

Фарғонада бошланиб Қаршида давом этган «Буюк ипак йўли» халқаро сателлит мусобақаси иштирокчилари Самарқандга етиб келишди. Мусобақанинг тантанали очилиши ўзига хос байрамга айланди. Маросимда Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, вилоят ҳокими ўринбосари Н. Ҳаитова ҳамда нуфузли халқаро теннис мусобақаларининг ташкилотчиси С. Какшури иштирок этдилар. Дастлабки мусобақалар ҳам бўлиб ўтди. Якка баҳсларда Д. Томашевич киевлик А. Рибалковга 4:6 2:6 ҳисобида ютқазган бўлса, А. Кокурин швед Йонссондан 1:6, 0:6 ҳисобида енгилди. Жуфтликлардан О. Огородов билан Д. Томашевич россиялик А. Дерепаско билан В. Куценкони 6:4, 5:7, 6:4 ҳисобида енгишди. Баҳслар давом этмоқда.

Маррага яқинлашганда

Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатини яна 3 тур учрашувларидан кейин якунлашади. 27-турда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Бухоро» — «Трактор» — 2:0, «Сурхон» — «Насаф» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Дўстлик» — 4:2, «Хоразм» — МҲСК — 4:1, «Темирйўлчи» — «Нефтчи» — 2:3, «Андижон» — «Пахтакор» — 0:1, «Зарафшон» — «Косонсой» — 3:1. Ҳозир пахтакорчилар 63 та очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Нефтчи» ҳисобида 62 та очко бор. Навбаҳорчилар 50 очко тўплашган. «Сўғдиёна» футболчилари очколарини 48 тага етказиб олишди. «Бухоро» ва «Темирйўлчи» жамоалари 40 тадан очко билан кучли олтиликдан жой олиб туришибди.

Ғафлат «уйқуси...»

Эрта тонг. Уфқ эндигина қизариб келмоқда. Нишон тумани Чўли Бегимқулов номли жамоа хўжалиги маркази. Ҳар ким ўз иши билан турли томонга шошиларди. Кимдир далага... Ана шундай шошиб бораётган кишивий шароитим етишмайди. Шу сабабли ишдан ташқари хўжаликда ҳам ишлаб тураман. Мактабда иш соати кам. Дарс сўрасак меҳнатчиларга дарс йўқ, деб туриб олишади. Лекин эндигина ўнинчи синфни битирганлар биз қатори бемалол ўқитувчи бўлиб турадиган даромад ва июнь ойида ўқитувчиларга тарқатилган маош ҳам сарф қилинган эмиш. Синфхоналар ота-оналар ҳамкорлигида ремонт қилинган. Яна таъкидлаб айтаманки, аҳволни кўриб турибсиз. Синфхонада парталар етишмайди. Машинкалар, концелярия товарлари умуман йўқ. Лекин ўн беш тонна ғалланинг пули қаерга кетганлиги аниқ эмас. Директор бу ҳақдаги маълумотларни яширади. Бу ҳақда туман халқ таълимига ҳам хабар берганман. Лекин унинг фойдаси бўлмади. Мактабда қоровуллар яхши ишлачилик тўғарагини ҳам бошқараман. Бу ерда қизларга турли хил таомлар пиширишни ўргатаман. Пиширилган овқатларни мактаб ўқувчиларига сотамиз. Бу борада мактаб билан шартномамиз бор. Тушган даромаддан мактаб фондига ўтказиб турамиз. Мана бу беш сотих ерни очиб олдик. Шу ердан ҳам ҳар хил экинлар экиб фойдаланамиз. Лекин муаммоларимиз кўп. Мана макарон цехи, музқаймоқ цехи ва гўштни қадоқлайдиган цехлар. Буларни шу тўғаракдан тушган даромад ҳисобига олганмиз. Уларни қўйишга хоналар етишмайди. Бу ҳақда мактаб директори бош қотиришни истамайди.»

Қайтиб бинога кираётганда бино устидаги ярми синиқ шиферларга кўзимиз тушди. Бир амаллаб томга чиқиб олдик. Ўрнатилган ёғочларнинг кўпи жойида йўқ. Бу ҳақда эшитиб кўринг: «Мен Мўмин Бекмуродовман. Ўзим мактабга яқин тураман. Хўжаликда бригадир бўлиб ишлайман. Бир кун кечаси қоровуллар тахталарни ўғирлаб кетаётганини кўрдим».

Бу давлат мулкини талон-торож қилиш эмасми? Қани бунга чек қўядиган раҳбар?

Мактаб директори Салим Турдиевдан керакли ҳужжатларни сўраганимизда ҳаммаси туман халқ таълими бўлими ва прокуратурада деб жавоб берди. Туман прокуратурасига бордик. Шу йил май ойида аудитор Б. Тилавовнинг ўтказган текширув хулосасини беришди. Баённома билан танишдик. Ҳақиқатдан ҳам мактаб ўз қарамоғидаги беш гектар ердан 15240 килограмм буғдой ҳосили олган...

Эътиборимизни текширув хулосасининг охирги жумлалари жалб этди: «Мактаб ёрдамчи хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари устидан назорат ўрнатиш ва ҳисоб-китоб юритиш жуда паст даражада бўлганлиги сабабли, кирим-чиқим ҳужжатлари талаб даражасида юритилмаган».

Аудиторнинг мактаб директори йўл қўйган камчилик ва хатоларга холис баҳоси эмасми бу?!

Мингга яқин ўқувчи ўқиб, юзга яқин ўқитувчи ишлайдиган бу табаррук масканда мактаб балансида бўлган қанчаданқанча мебеллар, столстуллар, диванлар, телевизор ва магнитафонлар яроқсиз бўлиб ётгани, йўқолиб кетаётганлиги учун директор жавоб бермаса ким жавоб беради? «ЗиЛ-130» русумли автомашинанинг талон-торож қилиб ҳужжатлари йўқ бўлиб кетишига-чи? 136 соатлик болалар ўқиши учун йиғиб олинган пуллар қаёққа кетди?

Биз кўрган-билганларимиздан кейин Салим Турдиевнинг ўзи тарбиясига муҳтож эканми, деб ўйлаб қолдик. Бўлмаса мактаб ишлари шунчалик ўлда-жўлда бўлармиди?!

Журналист текшируви

Мурод АЛИМ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири

Дўконлар зиё масканига айланди

Китоб — содиқ дўст

Мамлакатимизда маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилянти. Биз ҳам ўз навбатида мавжуд китоб дўконларини чинакам зиё масканига айлантириш ва улар сонини ошириш ҳаракатидамиз, — дейди Қўқон шаҳар «Китоб савдоси» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси П. Мамаюсупова. — Айни пайтда Қўқон шаҳрининг ўзида барча қулайликларга эга 6 та китоб дўкони шаҳарликлар ва меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда. Биз бу билан чекланиб қолмай, Боғдод, Данғара, Бешариқ туманлари марказларида ҳам ўзимизга қарашли янги китоб дўконлари очдик. Шу кунгача 22 номдаги юз минг донага яқин, яъни 1 миллион 312 минг сўмликдан зиёд адабиётлар сотдик. Бундан ташқари биринчи синф ўқувчилари учун 9 миллион сўмлик дарслик тарқатдик. Янги ўқув йили арафасида мактаб кутубхоналарига 500 минг сўмлик услубий қўлланмалар ва бадиий адабиётлар етказиб бердик. Яқинда шаҳардаги 62 та маҳаллий йиғинларининг маънавият ва маърифат бўлимларини Президентимиз асарлари, ҳукумат қарорлари, маърифат ва маънавиятга оид ўнлаб нодир китоблар билан таъминладик.

Алишер ИБОДИНОВ

«Обуна — 99»

Ишни газета ўқишдан бошлайман

— Агар мен энг севиб ўқийдиган газеталаримдан бири «Ўзбекистон овози» десам, газетхонлар бу гапни шунчаки «анкета сўрови»га чиройли жавоб учун, деб тушунмаслар деб умид қиламан.

Неча йиллардан буён турли раҳбарлик вазифаларида ишлаб келаётган бўлсам, ҳар куни мен ишни кундалик матбуот нашрларини кўздан кечиришдан бошлайман. Ахир, газета — бугуннинг кўзгуси. Унда ҳамма нарса ойдин ёритилади.

Ўтган йили Шўрчи туманида 500 нусхага яқин «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлинган. Албатта, бу сира қаноатланарлик эмас. Негаки, туманимизда 134 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ўнлаб саноат корхоналари, бақувват ташкилотлар, хўжаликлар фаолият юритади. Бу йил келгуси йил учун обунани ҳар йилгидан ҳам самарали бўлишига эришамиз. Чунки, бу эҳтиёж зарурати. Қанча кўп матбуот нашрларига, айниқса, энг севимли газета-журналларимизга обуна бўлсак, ҳар жиҳатдан шунча юксалишга эришиш имконияти бўлади.

Шўрчиликлар ўтган йилгидан икки баробар кўпроқ «Ўзбекистон овози»га обуна бўладилар. Аниқроғи 1000 нусха ана шу рўзномага обуна бўлишни режалаштирганмиз. Бу режамизни ошса оширамизки, бирон нусха кам уддаламаймиз. Маънавий эҳтиёжимиз бўлган газеталаримизнинг эса янада ўқимишли бўлишини истаймиз.

Шайдулло МИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Шўрчи тумани ҳокими

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Одинаева*

Исми *Қизлармона*

Отасининг исми _____

Қачон, қаерда туғилган *1898 йил 26 февраль Қашқадарё вил. Чироқчи тум. Оқтепали қишлоғи*

Ҳозир қаерда яшайди *Қашқадарё вил. Чироқчи тум. Чияли ж/х*

Узоқ умр кўришнинг сири *Мунтазам ҳаракат* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси *Тинчлик — умрбоқийликка замондир* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Дунёда яхшилар кўп

Инсон хотираси азиз

Айтишадики, югурганда, тезкорликда хаёлга ақл бовар қилмас фикрлар келармиш. Шунингдек, хотиржамликда эмас, аксинча жангу-жадалда инсон боласининг кимлиги намоён бўларкан. Шунга ўхшаш биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсоннинг тақдири ҳам урушда ҳал бўлди. Гап шундаки, аскар йигитни кутилмаганда сафдан чақириб, Харьков ҳарбий тиббиёт билим юртига йўллашди. Қарабсизки, Фозил Тўлаганов ўзи хаёл қилмаган касбга меҳр қўйишни ихтиёр этди.

Кейинчалик кафедра ассистенти, потологик-анатомия бўлимида проректорлик қилди. Ёш олим ўз билимларини Андижон тиббиёт институтида амалда кўрсатишга имкон топди. Айни пайтда маҳаллий аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш, муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олишда фаоллик кўрсатди. Бу даврда у «Потолого-анатомик атамаларнинг қисқача русча-ўзбекча изоҳий луғати», «Потологик анатомияга кириш» каби қўлланмалар яратди. Беш йилдан кейин яна Тошкентга келиб қадрдон илмгоҳда ўз соҳаси бўйича кафедрага мудирлик қилади. У «Кичик ёшдаги болаларда ичак касалликлари билан боғлиқ токсикозларда ички аъзолар ва бош миядаги потолого-анатомик ўзгаришлар» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейинчалик суд тиббиёти кафедрасида мудир, врачлар малакасини ошириш институтида ҳам мудир бўлиб хизмат қилди.

Домланинг яхши бир одати бўларди. У киши кўпинча шогирдлари билан бир пиёла чой устида гурунг қуришни хуш кўрарди. Ёшларга ўз билганлари, тажрибаларини баҳам кўриш асосида тарих, фалсафа, тиббиёт тарихи ҳақида мароқ билан сўзлаб, одоб-тарбия хусусида мулоҳаза билдирарди. У кишининг мантиққа бўлган муносабатлари алоҳида экани кишини ҳайратга соларди. Энди ўйлаб қарасак, домла ўз замонасининг етук кишиларидан бўлганини шу кунларда ҳам кўпчилик етиша олмаётган тўрт тилда эркин сўзлаша олганларида аён эди, десак бўлар. Шунинг учун ҳам биз шогирдлар домлани эҳтиром билан ҳақиқий ўзбек зиёлиси эдилар деб эътироф этгимиз келади.

Олимнинг қаламига мансуб «Ҳуқуқ ва тиббиёт», «Потологоанатом шаклланишининг асослари», «Суд тиббиёти ҳақида суҳбатлар» каби китоблари ёшлар учун ўзга хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. У бешта монография, 120 дан ортиқ илмий мақолалар ёзди. Олимнинг раҳбарлигида 20 га яқин докторлик ва номзодлик диссертациялар ҳимоя қилинган. Фозил Жўраевичнинг азиз хотираси ҳақиқий инсон, талабчан ва меҳрибон устоз сифатида шогирдлари қалбига жо бўлиб кетган.

Зайниддин ҒИЁСОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
Шокир БЕКНАЗАРОВ,
тиббиёт фанлари номзоди

Диққат! Диққат!

Аҳолидан 1940 йилгача қўлда тўқилган ҳар қандай аҳволдаги **ГИЛАМЛАРНИ** қиммат баҳоларда

СОТИБ ОЛАМИЗ

«ОРИЕНТИР» ЭТНОГРАФИЯ НАШРИЁТИ.
Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: 136-01-68.

Бошқа ҳудудларда яшовчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз.
Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151.
Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Интеллект-сервис» кичик корхонаси ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ**

Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 279-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Нормуҳамедов Аҳмад номига берилган № 455435 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти ва Марказий тафтиш комиссияси Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгашининг биринчи котиби, партия МТ комиссияси аъзоси Саида Тешаевна ЖЎРАЕВАга падари бузруквори **ТЕША бобонинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф БЕКМУРОДОВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида. 20.122 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0397

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА